

ФАРГОНАДА КОРЗИНКА СУПЕРМАРКЕТЛАР ТАРМОҒИНИНГ ИККИНЧИ СУПЕРМАРКЕТИ ИШ БОШЛАДИ

Бугун Фарғона шаҳри марказидаги собиқ Марказий универмаг қайта таъмирланиб, замонавий, йирик савдо ва хизмат кўрсатиш маркази сифатида аҳолига хизмат кўрсатишни бошлади.

Мазкур мажмуанинг тантанали очилиш тадбирида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари, Корзинка супермаркетлар тармоғининг бosh директори Ақмал Асадов, жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

Тадбирни очиб берган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ҳаёт даражаси ортиши, аҳоли даромадларининг реал ўсиши натижасида халқимиз томонидан сифатли ва кафолати таъминланган товарларни сотиб олишга эҳтиёж кундан кунга ортиб бораётганини қайд этиб, бугун хизматга очилаётган янги мажмуа фарғоналиклар ва вилоятимиз меҳмонлари учун қулийликлар тақдим этишига ишонч билдириди.

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга бўлган алоҳида эътиборлари натижасида бошқа соҳалар қатори хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам жадал ривожланиб, бу каби йирик савдо мажмуалари ишга тушаётгани, янги иш ўринлари кам ҳаражат билан ва тез муддатда ташкил этилаётгани, энг асосийси сифатли сервис аҳолига яқинлашаётгани қайд этилди.

Бугун ишга тушган савдо мажмуаси Корзинка супермаркетлар тармоғининг Фарғонада очилган иккинчи супермаркети бўлди.

Рамзий лента қирқилиб йиғилганлар янги мажмуадаги савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари билан яқиндан танишдилар.

Замонавий мажмуада супермаркет, заргарлик буюмлари дўкони, кийим-кечак дўконлари, болалар ўйин майдончалари, овқатланиш шахобчалари фаолияти йўлга қўйилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-06-01 20:10:55